

Хоразм вилояти Урганч шаҳар ҳудудида ташқи реклама ва ахборот воситаларини жойлаштириш ҳамда эксплуатация қилиш шартлари тўғрисида
X3/2022/У0001ш-сонли
ШАРТНОМА

Урганч шаҳар

«28»январ.2022 й.

Урганч шаҳар ҳокимлиги (бундан бўён матнда “Ваколатли орган” деб юритилади) номидан туман ҳоким **Ойбек Мадаминович Холбоев** бир томондан ва **МЧЖ UMS** (кейинги ўринларда – “Реклама тарқатувчи”) номидан устав асосида иш олиб борувчи **Арипов.С.Х** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига, хусусан: - Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни, “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 20-февралдаги 104-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг ташқи реклама ва ахборотни жойлаштиришни белгиловчи бошқа меъёрий ҳужжатларига риоя қилган ҳолда мазкур шартномани кўйидаги мазмунда туздилар.

Мазкур шартнома мақсадларида “Реклама тарқатувчи” деганда қонуний асосда эгалик қилувчи ва паспортда кўрсатиб ўтилган reklama воситаларини жойлаштириш ва улардан фойдаланишини амалга оширувчи шахс тушунилади.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома ташқи реклама ва ахборот воситаларини ўрнатиш (жойлаштириш) ва эксплуатация қилиш ҳамда ташқи реклама жойлаштириш ҳуқуки учун йигимни тўлаш шартлари ва тартибини белгилайди.

1.2. Ташқи реклама обьектларини (конструкцияларини) эксплуатация қилиш, ташқи реклама жойлаштириш ҳуқуки учун йигимни тўлаш мазкур жараённи тартибга солувчи меъёрий-ҳуқукий ҳужжатлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланган “Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби” ҳамда тақдим этилган ташқи реклама жойлари паспорти (кейинги ўринларда- паспорт) шунингдек ушбу шартнома асосида амалга оширилади.

1.3. “Реклама тарқатувчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ ва паспорт асосида ташқи рекламани тарқатиш учун белгиланган ерда ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

1.4. Ташқи реклама обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш жойи (кейинги ўринларда - реклама жойи) унинг паспортига аниқ мувофиқлиқда белгиланади ва паспортнинг асл нусхаси Ваколатли органда сакланади, нусхаси эса Реклама тарқатувчига берилади.

1.5. Металл конструкцияда реклама воситаларини жойлаштириш ва эксплуатация қилиш, шунингдек бошқа ҳолларда реклама воситаси эгаси ва мулкдор ҳамда унга reklama воситасини жойлаштириш учун берилган кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахс ўртасида шартнома мавжуд бўлган ҳолда Xalq депутатлари Хоразм вилояти кенгаши томонидан тасдиқланган тарифлар ҳамда имтиёзларга мувофиқ амалга оширилади.

2. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Реклама тарқатувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. Реклама тарқатувчи ўз зиммасига reklama воситасини reklama жойига жойлаштириш ва у reklama жойига жойлаштирилиши ҳамда reklama жойининг паспортига мувофиқ бўлиши ва мазкур турдаги конструкцияларга нисбатан қўйиладиган техник талабларга жавоб бериши, назорат қилувчи органларнинг асосли эътирозини уйғотадиган нуқсонлар, ёмон ташқи кўринишга эга бўлмаслиги учун мажбуриятни ўз зиммасига олади. Бундай вазиятлар юзага келган ҳолда Реклама тарқатувчи З кунлик муддат ичida барча камчиликларни бартараф этиши ва reklama воситасини тегишли ҳолатга келтириши шарт.

2.1.2. Реклама тарқатувчи reklama жойлаштиришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи reklama бозорини тартиbga солish тўғрисидаги” 2020-йил 20-февралдаги 104-сонли қарорга асосан Xalq депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 2020-йил 04-сентябрдаги 15/58 -сонли қарорига мувофиқ амалга ошириши лозим. Мазкур шартномани расмийлаштириш мақсадида reklama жойлаштириш жойлари ҳакида буюртма (хат) орқали Ваколатли органга тақдим этади. Бунда олдиндан огохлантиришни таъминлаш, профилактика самарадорлигини ошириш ва қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида reklama бозори субъектлари, шу жумладан

“Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ва унинг худудий филиаллари Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш кўмитаси ва (ёки) унинг худудий органларидан кўриб чиқиш учун тақдим этилган реклама маълумотларнинг ғоялари, мавзулари ва эскизлари бўйича ихтиёрий равишда хulosалар олиш хукуқига эга бўлади.

2.1.3. Шахардаги курилиш-ободонлаштириш ишлар билан боғлиқ равишда реклама воситасини муддатидан олдин (*шартномада кўзда тутилган муддатдан олдин*) демонтаж қилиш зарурати юзага келган ҳолда демонтаж қилиш пайтидан бошлаб шартнома бекор қилинади. Бундай ҳолда Реклама тарқатувчи демонтаж қилинган реклама воситасини бошқа жойга ўрнатиш юзасидан ўз таклифлари билан Ваколатли органга мурожаат этишга ҳақли. Ваколатли орган эса ўз навбатида реклама жойининг янги техник Паспортини тайёрлаш ва келишиш ҳамда аризани имкон қадар қисқа муддатларда кўриб чиқишида ёрдам кўрсатиши лозим. Аризани кўриб чиқиши муддати 15 (үн беш) кундан ошмаслиги лозим ва реклама жойлаштириш учун олдиндан тўланган тариф микдори тақдим этилган янги жойдаги реклама жойи учун ҳисобга олинади.

2.1.4. Миллий байрамлар, хорижий давлатлар раҳбарларининг давлат ташрифлари ва бошқа давлат тадбирларига оид ахборот ташқи реклама обьектларида (конструкцияларида) жойлаштирилганда, ташқи рекламани жойлаштириш хукуки учун ойлик йигим микдори тегишли ҳокимлик қарорига биноан жойлаштирилган кунларга мутаносиб равишда камайтирилади.

2.1.5. Мазкур шартноманинг 2.1.3., 2.1.4-бандларида кўрсатилган вазиятлар бўйича реклама воситасини ёки реклама ахборотининг ўзини демонтаж қилиш зарурати юзага келган ҳолда, Ваколатли орган кўрсатилган тадбирлар бошланишидан 5 кун аввал Реклама тарқатувчини огоҳлантиради. Реклама тарқатувчи бундай вазиятлар тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддат мобайнида реклама воситаси ёки реклама ахборотини демонтаж қилиши лозим.

2.1.6. Мазкур шартнома амалда бўлган даврда Реклама тарқатувчи реклама жойлаштиришнинг навбатдаги муддати тугашидан 10 (ўн) кун олдин мазкур шартномани янги муддатга расмийлаштириш истагини билдирган ҳолда ёзма мурожаат қилиши лозим ва ёзма мурожаат қилинмаган тақдирда, мазкур шартноманинг келгусидаги амал қилиш даври учун тўлов сўнгги рекламани жойлаштириш давридан тегишли ёзма мурожаат олинган давргача белгиланган тарифлар бўйича ундирилади.

2.1.7. Реклама тарқатувчи аввал жойлаштирилган ҳам тижорат ва ҳам ижтимоий тусдаги реклама плакати мазмуни ўзгартирилишидан 10 кун олдин ўзгартирилган кўриниш учун барча зарур хужжатларни илова этган ҳолда янги буюртма тақдим этиши шарт.

2.2. Ваколатли орган ҳукуқ ва мажбуриятлари:

2.2.1. Ваколатли орган реклама воситаларининг техник ҳолати ва ташқи кўриниши мониторингини ўтказишга ҳақлидир. Ўрнатилган реклама воситасининг реклама жойи паспортига, мазкур турдаги конструкциялар учун белгиланган техник шартларга номувофиқлиги ва бошқа тартиббузарликлар аниқланган ҳолда, шаҳар ҳокимлигининг реклама-ахборот фаолияти бўйича Ваколатли органи Реклама тарқатувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган чораларни кўллашни сўраб тегишли мувофиқлаштирувчи органга мурожаат қилишга, шунингдек мазкур шартномада кўзда тутилган чораларни кўллашга ҳақлидир.

2.2.2. Мазкур шартномада кўрсатилган асослар бўйича реклама воситаси ва реклама қопламасини демонтаж қилиш зарурати юзага келган ва бундай демонтаж Реклама тарқатувчи томонидан мазкур шартномада ёки тегишли хабарномада белгиланган муддатларда амалга оширилмаган ҳолда, Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ чораларни кўришга ҳақлидир.

2.2.3. Реклама воситаси муддатидан олдин, тўланган жойлаштириш муддати тугамасдан аввал томонларга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра (йўллар, майдонларни реконструкция қилиш, курилиш ёки ер ишларини амалга ошириш ва бошқа сабабларга кўра) демонтаж қилинган ҳолда, Ваколатли орган қайта ҳисоб-китоб қилиш, фойдаланилмаган давр учун суммани бошқа реклама жойи бўйича далолатнома асосида ўтказиш ёки қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

3.1. Барча тўловлар ҳажми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисидаги” 2020-йил 20-февралдаги 104-сонли қарорга асосан Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашининг 2020-йил 04-сентябрдаги 15/58 -сонли қарори талабларига асосан тарифлар бўйича ҳисобланади.

3.2. **01.01.2022 дан 31.12.2022 гача бўлган даврда ташқи реклама воситаларини жойлаштириш учун тўловлар қуийдаги жадвалга асосан амалга оширилади:**

| № | Реклама курилмаси маълумотлари | Томон | Хажм | Тариф 1 м ² | Бир ойга тўлов (сўм) | Реклама муддати | Жами (сўм) |
|----|---|-------|--------------------------|---------------------------|----------------------------|---------------------------|-------------------|
| 1 | 03/31. Урганч шахри Хонка кўчаси мўлжал: вилоят УБДД | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 2 | 03/32 Урганч шахри Хонка кўчаси мўлжал: Вилоят Селхоз химия бошкармаси | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 3 | 03/33 Урганч шахри Шавот кўчаси мўлжал: Хоразм ипак | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 4 | 03/34 Урганч шахри Шавот кўчаси мўлжал: Урганч ненсия жамгармаси | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 5 | 03/37 Урганч шахри Байналминал кўчаси мўлжал: Марказий стадион Хоразм | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 6 | 03/38 Урганч шахри Гурлан кўчаси мўлжал: Политехника колледжи | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 7 | 03/41 Урганч шахри Саноатчи кўчаси мўлжал: Хоразм авто- мобилларга техник хизмат кўрсатиш | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 8 | 03/43 Урганч шахри Е Гулом кўчаси мўлжал: Болалар ижодиёт маркази | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 9 | 03/44 Урганч шахри А.Баходирхон кўчаси мўлжал: кафе Наргиз | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 10 | 03/45 Урганч шахри Амударё кўчаси мўлжал: чойхона Бобур | А | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 86 400 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 1 036 800 |
| 11 | №134 Урганч шахри Саёт кўчаси мўлжал: Автотеххизмат | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| 12 | №135. Урганч шахри Хонка кўчаси мўлжал: Колледж Туризм | А/Б | Биллборд 3x6 м | 4 800 | 172 800 | 01.01.2022- 31.12.2022 | 2 073 600 |
| | Жами | | 414 м² | | | | 23 846 400 |

3.3. Шартноманинг умумий суммаси: **23 846 400 (Йигирма уч миллион саккиз юз қирк олти минг тўрт юз)** сўмни ташкил килади.

3.4. Мазкур шартномада кўзда тутилган юкоридаги жадвалда кўрсатилган тўлов “реклама тарқатувчи” томонидан қўйидаги тартибда тўланади.

Ҳар бир жой учун йиғим ташкил реклама объекти (конструкцияси) майдонидан келиб чишиб, унда реклама жойлашганидан катъи назар, реклама жойининг паспортида кўрсатиб ўтилган жой учун белгиланган тарифлар бўйича ҳар ойда хисобот ойининг 25-кунига қадар тўланади.

3.5. Агар қайта хисоблаш натижасида реклама жойлаштиришнинг ўтмаган даври учун кайтарилиши лозим бўлган сумма ҳосил бўлса, Ваколатли орган Реклама тарқатувчининг розилиги билан кўрсатилган суммани бўнак сифатида кейинги тўловлар хисобига ўтказади.

3.6. Мазкур шартнома бўйича тўлов миқдори Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида ташкил реклама воситаларини жойлаштириш хукукини беришнинг бошкача нархлари ўрнатилиши билан боғлик равиша Ваколатли орган томонидан бир томонлама тартибда ўзгартирилиши мумкин. Бунда нархлар ўзгаришигача тўлик киритилган тўлов, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига бошкача тартиб кўзда тутилган бўлмаса, қайта хисобланмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги Қонуни бузиш, шунингдек Реклама воситаси туфайли фуқароларга, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкига етказилган зарар учун жавобгарлик амалдаги фуқаролик қонунчилигига мувофиқ Реклама тарқатувчи зиммасига юклатилади.

4.2. Мазкур шартномада кўрсатилган асослар бўйича реклама воситасини демонтаж килиш зарур бўлган ҳолларда Реклама тарқатувчи демонтаж, транспортировка, саклаш, утилизация қилиш, шунингдек реклама жойини аввалги ҳолатига тикиш билан боғлик барча ишларни тўлик ҳажмда ўз хисобидан амалга оширади.

4.3. Реклама воситаси, унинг эгаси - Реклама тарқатувчи томонидан бошқа шахсларга фойдаланишга берилган (ижара шартномаси асосида, бепул ва ҳ.к.) ҳолда, Реклама тарқатувчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятлари мос равиша реклама воситасининг янги эгасига ҳам тегишли бўлади. Реклама тарқатувчи бу ҳақда учинчи шахсни у билан тузиладиган шартнома орқали аввалдан огоҳлантириши лозим.

4.4. Тўлов 90 (тўқсон) кундан ортиқ муддатга кечикирилган ҳолда, Ваколатли орган мазкур шартномани бир томонлама тартибда бекор қилинган деб ҳисоблашга ҳаклидир, бу ҳақда Реклама тарқатувчига хабар қилинади.

4.5. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки тегишлича бажарилмаган ҳолда айбордor томон бошқа томоннинг талаби бўйича мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда, мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатларда эса Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик субъектларининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ миқдорда жарима тўлади.

5. ФОРС-МАЖОР

5.1. Томонларнинг бирида мазкур шартномани тўлик ёки қисман бажаришга тўсқинлик килувчи вазият, яъни ёнгин, табии оғат, уруш, амалдаги қонунчилик ўзгариши ва томонларнинг ихтиёрига боғлик бўлмаган бошқа вазиятлар юзага келган ҳолда мазкур шартномада белгиланган мажбуриятларни бажариш муддатларига форс-мажор вазиятларининг муддати қўшилади. Мазкур шартноманинг бошқа бўлимларида оқибатлари тўғрисида маҳсус келишилган вазиятлар форс-мажор вазиятларига кирмайди.

5.2. Агар форс-мажор вазиятлари З ойдан ортиқ давом этса, Томонларнинг ҳар бири мазкур шартномага доир мажбуриятларни бажаришни давом этиришдан бош тортишга ҳаклидир, бунда ҳеч қайси томон форс-мажор вазиятларида юзага келган заарни қоплашни иккинчи томондан талаб килишга ҳакли эмас.

5.3. Томонлар форс-мажор вазиятлари сабабли юзага келган оқибатлар учун мазкур шартнома бўйича ҳеч кандай жавобгарликка эга бўлмайди.

5.4. Шартномага доир мажбуриятларини форс-мажор вазиятлари сабабли бажара олмаган томон иккинчи томонни ўз мажбуриятларини бажаришга тўсқинлик қилаётган форс-мажор вазиятлари тўғрисида зудлик билан хабардор қилиши лозим. Хабарнома шартномада қайд этилган юридик манзилга юборилади ва уни етказиб берувчи почта бўлими томонидан тасдикланади.

6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Шартнома томонларнинг ўзаро розилиги бўйича, шунингдек унда кўрсатилган ва томонларга буни бир томонлама тартибда амалга ошириш имконини берадиган ҳолатларда узгартарилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

6.2. Ваколатли орган қўйидаги ҳолатларда мазкур шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақлидир:

а) тўлов мазкур шартномада кўзда тутилган муддатда амалга оширилмаган ҳолда, агар тўловни кечикириш 90 (тўксон) иш кунидан ортса;

б) Реклама воситасининг паспорт ва (ёки) мазкур турдаги конструкциялар учун белгиланган техник шартларга номувофикалигини бартараф этиш кўрсатмасининг бажарилмаслиги;

с) Реклама тарқатувчи ташки реклами жойлаштириш тўғрисидаги конунчилик талабларини ёки реклама воситасидан фойдаланиш шартларини қўпол равиша бузган ҳолда келишувчи ташкилотнинг илтимосномаси, Ваколатли орган карори мавжуд бўлган ҳолда;

д) Реклама воситасидан мазкур реклама жойида фойдаланишга тўскинилик қилувчи объектив вазиятлар юзага келган (шаҳарсозлик вазияти ўзгариши, шаҳар объектларини тъмираш ёки реконструкция килиш ишларини ўтказиш, йўл харакатининг ташкил этилиши ўзгариши, реконструкция, қурилиш ва тъмираш ишлари амалга оширилиши ва х.к. билан боғлик равиша) ҳолда реклама жойи паспортининг бекор қилиниши, келишувчи ташкилотнинг аввал берилган рухсатномани кайтириб олини, Ваколатли орган карори мавжуд бўлган ҳолда.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди ва Томонлар уни имзолаган кундан бошлаб кучга киради. Томонларнинг 01.01.2022 й.дан вужудга келадиган муносабатларига нисбатан қўлланилиши тўғрисида келишиб олдилар.

7.2. Мазкур шартнома ташки реклами жойлаштириш хукуки учун тўловни амалга оширишна асос ҳисобланади.

7.3. Агар шартнома Реклама тарқатувчи томонидан имзоланмаса ва шартноманинг 2-нусхаси у Реклама тарқатувчига тақдим этилган кундан бошлаб 20 кун ичida Ваколатли органга кайтирилмаса, шартнома тузилмаган деб ҳисобланади ва бу ҳақда Реклама тарқатувчи огоҳлантирилиб, Ваколатли органнинг карорига асосан Реклама тарқатувчи мазкур реклама жойида ташки реклами жойлаштириш хукувидан маҳрум бўлади.

7.4. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар юзага келган ҳолда, томонлар уларни кўнгилли равиша хал килиш учун барча чораларни кўрадилар. Низоли масалаларни тинч йўл билан тартибига солиш имкони бўлмаса, низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ суд тартибда кўриб чиқишига топширилади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

“Ваколатли орган”

Урганч шаҳар ҳокимлиги
Манзил: Урганч ш. А.Баходирхон 186
Х/р 23402000300100001010
ш/х,р:4014 2286 0433 4013 4222 95018
Банк:Ўз.Рес.Мар.банк ХККМ
МФО: 00014 ИИН :201 122 919
ОКЭД: 84112 ИИН: 201 753 140
Тел/Факс: 62 226-21-55
К.К.С. тўловчининг регистрация коди:

Рахбар



О.Холбоев

“Реклама тартақувчи”

“UMS” МЧЖ
Манзил: Тошкент ш. А.Темур 24
Х/р: 2021 4000 3003 8198 4001
Банк: “Алоқабанк” МФО: 00401
ОКЭД: 61200
СТИР: 303 020 732
Тел. (97) 403-80-79
К.К.С. тўловчининг регистрация коди:
326030005463



ЗАМЕСТИТЕЛЬ
ГЕНЕРАЛЬНОГО ДИРЕКТОРА
ПО МАРКЕТИНГУ И ПРОДАЖАМ
ФИРМОГА Л.Ю.
по доверенности
№0457/21 от 30.12.2021